

# **Коронавирус инфекциясидан ҳимоя қилиш чоралари бўйича жамоат тавсиялари**

Хитой Миллий соғлиқни сақлаш комиссиясининг  
касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш агентлиги

Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш бўйича  
Хитой маркази



# Таҳририят кенгаши

**Бош мұхаррирлар:** Ли Синхуа, Гао Фу

**Бош мұхаррир ёрдамчлари:** Фенг Жижиан, Лиу Жианжун

**Таҳирчилар:** Ли Чжунцзе, Цуй Ин, Ван Цуцзюн , Фен Лучжао,  
Цин Ин, Сун Ченсу, Мой Ди, Чжан Цзян, Сун  
Цзюнлин, Ван Лей, Чжан Ли, Хиа Хуншэй, Ян Цзян,  
Хе Бин, Су Саоге, Чжан Мули, Чен Ин, Чжен  
Цзяндун, У Юан, Ли Пейлун, Го Хаоян

**Таржимонлар:** НамДУ Рус тили ва адабиёти кафедраси мудири,  
доцент А.Абдулазизов,  
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчилари -  
И.Дарвешов (PhD), А.Фазлиева

**Нашрга тайёрловчи:** НамДУ проректори А.Исоқбоев

**Нашр учун масъул:** Вилоят АОКБ бошлиғи Р.Ирисов

## Сўз боши

Вирусли касалликлар чегара билмайди. Ҳозирги вақтда - 2019 йилда коронавирус инфекциясининг (COVID-19) тарқалишидан сўнг, касаллик бутун дунё бўйлаб кўчки каби тарқалмоқда ва кўплаб эпицентрларни вужудга келтирмоқда. Ушбу умумий мушкул вазиятда барча мамлакатлар бир-бирларига ўзаро ғамхўрлик қилишлари ва ёрдам кўрсатишлари керак. Хитой масъулиятли куч сифатида эпидемияга қарши курашда халқаро ҳамкорликни фаол равишда қўллаб-кувватлайди ва одамларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини химоя қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириб, инсоният учун тақдири бир бўлган жамиятнинг қурилишига ҳисса қўшади.

Ушбу рисола COVID-19 вируси тўғрисида билимларни тарқатишга мўлжалланган ва одамлар тинчлигини, уларнинг тайёргарлигини ва соғлиғини самарали ҳимоя қилиш қобилиятини таъминлаш учун эпидемик вазиятнинг аниқ тасвирини беради.

# **Мундарижа**

## **I. Коронавируслар ва янги коронавирус**

Янги коронавирус нима? .....1

Янги коронавирус одамдан одамга юқадими? .....2

## **II. Коронавирус инфекцияси**

Инфекцион тарқалиши.....3

COVID-19 аломатлари қандай? .....4

Яқин алоқа қандай? .....5

Тиббий ёрдамга қачон мурожаат қилиш керак? ..7

Шубҳали инфекция бўлса нима қилиш керак?

.....8

## **III. Самарали профилактика ва даволаш**

COVID-19 ни даволаш учун дорилар борми? .....9

Тиббий ниқобни қандай қилиб тўғри тақиши мумкин?12

Күлларни қандай түғри ювиш керак? .....	13
Үзингизни қандай самарали ҳимоя қилишингиз мумкин?...15	
Агар оила аъзоларингиздан бирида вирусга шубҳа бўлса, нима қилиш керак?.....	18
Яқин алоқада бўлганда, уйда тиббий назоратни кучайтириш.....	19
Кексалар ва ёшлар учун ҳимоя чоралари .....	22
COVID-19 вирусини юқтирган bemorlar бўлган уйларда дезинфекция чоралари .....	22
Иммунитетни мустаҳкамлаш ва соғлиқни сақлаш бўйича бошқа қандай чоралар кўриш керак?.....	23
<b>IV. Тинчланинг ва ваҳима қилманг</b>	
Антибиотиклар COVID-19 учун самарали бўладими? .....	24
Ишлатилган никобларни қандай йўқ қилиш керак?.....	25

# I. Коронавируслар ва янги коронавирус



## Янги коронавирус нима?

Коронавируслар – оддий шамоллашдан тортиб Яқин Шарқ респираторли синдроми (MERS) ва атипик пневмония (SARS) каби оғир хасталикларгача бўлган юқумли касалликларни келтириб чиқара оладиган вирусларнинг катта гуруҳидир. Кейинчалик оғир ўткир респираторли синдромга эга 2-коронавирус (SARS-CoV-2) деб аталган янги коронавирус (2019-nCoV) илк бор Хитойнинг Ухань шаҳрида аниқланган эди. Бу, илгари одамларда учратилмаган янги турдаги коронавирусdir.





## Янги коронавирус одамдан одамга юқадими?


Ха. Вирус асосан ҳаво томчилари ва алоқа орқали юқади. Ҳавода патогеннинг юқори концентрацияси мавжуд бўлган, нисбатан ёпик мухитда узоқ вақт қолиш шароитида аэрозол орқали инфекцияни юқтириш эҳтимоли ҳам мавжуд. Одамлар ушбу ҳолатда вирус юқтириб олишлари мумкин.



## II. Коронавирус инфекцияси



### Инфекция тарқалиши





## COVID-19 аломатлари қандай?

Сўнгги эпидемиологик изланишларга кўра, COVID-19нинг инкубация даври ўртача 1 кундан 14 кунгacha давом этади, ўртача 3-7 кун. Асосий аломатлар орасида иситма, қуруқ йўтал ва ноқулайлик мавжуд. Баъзи беморларда бурун тикилиши, буруннинг окиши, томоқ оғриғи, мушак оғриғи ёки диарея бўлиши мумкин. Оғир ҳолатларда, беморлар нафас қисилиши ёки кислород етишмовчилигини вирус юқтирганидан тахминан бир ҳафта ўтгач сезишлари мумкин. Критик ҳолат ўткир респиратор сиқилиш синдроми (АДРС), септик шок, рефрактер метаболик ацидоз, коагулопатия, кўп аъзоли етишмовчилик ва бошқа асоратларнинг тез ривожланиши билан тавсифланади. Шуни таъкидлаш керакки, оғир ва оғир касал бўлган беморларда ҳарорат бирор ёки ўртача даражада қўтарилиши мумкин ёки умуман иссиқлик бўлмайди. Бундай беморларнинг рентгенографиясида коронгу доғлар ва интерстициал ўзгаришлар кузатилади, айниқса экстрапулмонер соҳаларда. Кейинчалик беморларнинг иккала ўпкасида “музли шиша” симптоми пайдо бўлади.



Юқтирилган ўта оғир ҳолатларда ўпканинг сиқилиши, камроқ оғир ҳолатларда - плеврал эфузионли беморларда учрайди. Енгил касаллик фақат ҳароратнинг озгина қўтарилиши ва пневмония белгилари бўлмасдан ўртача чарчоқ билан тавсифланиши мумкин.



## Яқин алоқа нима?

Яқин алоқа деганда касалликнинг бошланишидан икки кун олдин ёки асемптоматик инфекция ҳолатларида синовдан олдин, шубҳали ёки тасдиқланган ҳолатлар бўлган (бир метр масофада) яқин ёки ҳимояланмаган алоқага эга бўлган одамлар тушунилади. Maxsus ҳолатлар куйида келтирилган:

1. Шубҳали ёки тасдиқланган иш билан ёки асемптоматик инфекцияси бўлган одам билан яшайдиган, ўқийдиган ёки ишлайдиган одамлар. Бундай ҳолларда, масалан, одамлар бирбири билан яқин ишлайдилар, битта синфхонада ўтиришади ёки битта том остида яшашади.
2. Инфекция шубҳа қилинган, касалликнинг тасдиқланган ҳолати ёки асемптоматик инфекцияси бўлган бемор олдига тиббий ходимлар, оила аъзолари, тарбияланувчиларнинг ташриф буориши ёки шунга ўхшаш тарзда яқин алоқада бўлиш. Масалан, ушбу одамлар олдига ташриф буориш ёки атроф-муҳитдаги, худди шу бўлимдаги ёки парваришдаги бошқа bemorлар олдига ташриф буориши.
3. Бир хил транспорт воситасида бўлган ва шубҳали ёки тасдиқланган ҳолатлар билан ёки инфекцияси асемптоматик бўлган одам билан, шу жумладан васийлари, оила аъзолари (ишдаги ҳамкаслар, дўстлар ва бошқалар) яқин алоқада бўлган одамлар, тадқикотлар ва таххилларга асосланиб, юқтирган одам билан яқин алоқада бўлиши мумкин бўлган бошқа йўловчилар ва кема экипажи. Автомобилга қараб, яқин алоқаларни аниқлаш бўйича аниқ кўрсатмалар қуйида келтирилган.

(1) Фуқароларни ташувчи самолётлар учун яқин алоқа қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) одатдаги ҳолатларда, битта қаторда ва уч қаторда, юқтирган йүловчи жойлашган кабинада ва орқасида, шунингдек, кўрсатилган жойга хизмат кўрсатадиган кема экипажида;

б) агар у НЕРА ингичка фильтри билан жиҳозланмаган бўлса, ҳаво кемаси салонидаги барча йўловчилар;

с) касаллик юқтирган одамлар билан яқин алоқада бўлган бошқа шахслар.

Оддий фуқароларни ташувчи самолётларидағи бошқа йўловчилар яқин алоқалар ҳисобланмайди.

(2) Темирйўл йўловчи поезди учун яқин алоқа:

а) кондиционер билан жиҳозланган тўлиқ ёпиқ поездда, барча йўловчилар ва экипаж ўтирадиган қаттиқ жой билан, қаттиқ ухлаб ётган аравада ёки инфекцияланган одам бўлган юмшоқ майдончалари бўлган поезднинг бўлинмасида;

б) шамоллатиладиган поездда битта юмшоқ ухлаш вагонида, қаттиқ ўриндиклари ёки қаттиқ ухлаш жойлари бўлган битта ёки қўшини машиналарда, шунингдек, ушбу худудга хизмат кўрсатадиган поезд кондукторларида;

с) юқтирган одамлар билан яқин алоқада бўлган бошқа шахслар.

(3) Автомобиль ва автобус касаллик учун яқин алоқани англатади:

а) касаллик юқтирган одам билан битта кондиционерли транспорт воситасидаги барча йўловчилар;

б) шамоллатиладиган автобус/автоулов, ҳайдовчи, чипта ва йўловчилар учун инфекцияли одам турган жойнинг олдида ва орқасида учта қаторда;

с) касаллик юқтирган одамлар билан яқин алоқада бўлган бошқа шахслар.

(4) Круиз лайнерлари учун ҳам яқин алоқалар мавжуд:

а) салонда бўлган барча йўловчилар, касаллик юқтирган одам, шунингдек, ушбу бўлимга хизмат кўрсатувчи экипаж аъзолари;

б) алоқа давомийлигидан қатыйй назар, иситма, аксириш, йүталиш, кусиши каби аломатларнинг қучайиши пайтида юқтирган одам билан алоқа қилган ҳар қандай шахс.

4. Жойлардаги мутахассисларни баҳолаш учун алоқалар сифатида таснифланган бошқа шахслар.

Яқиндан алоқаларни аниқлаш ва инфекцияланган касаллик учун мумкин бўлган инфекциянинг манбасини таҳлил қилишда кўплаб омиллар, шу жумладан, беморнинг аломатлари, бемор билан алоқа қилиш усули, ўзаро таъсир пайтида ҳимоя чоралари ва ифлосланган атроф-муҳит ва нарсаларга таъсир қилиш даражаси хисобга олиниши керак.



## Тиббий ёрдамга қачон мурожаат қилиш керак?

Саломатлиги бўлмаган катталарга, иситма, нафас олиш йўуллари инфекциялари ва ошқозон-ичак тракти каби аломатлар симптоматик даволангандан кейин хам пасаймаса ёки ривожланмаса ёки нафас олиш қийинлиги, диарея, бошқа аломатларга айланиб қолса ёки оила аъзоларида COVID-19 белгиси кўринса, тиббий ёрдамга мурожаат қилиш тавсия этилади. Қариялар, ҳомиладор аёллар ва диабет, иммунитет танқислиги, жигар ёки буйрак етишмовчилиги, шунингдек, юрак ёки мия қон-томир касалликлари каби сурункали касалликларга чалинган одамларда хавфи юқори ва улар шубҳали аломатлар пайдо бўлгандан сўнг дарҳол тиббий ёрдамга мурожаат қилишлари керак.





## Шубҳали инфекция бўлса нима қилиш керак?

Агар сиз коронавирус билан касалланганлигингиздан шубҳа қилсангиз, яъни сиз тегишли аломатларни (иситма, қуруқ йўтал, оғриқ, бурун битиши, бурун окиши, томоқ оғриғи, мушак оғриғи, диарея) кузатмоқдасиз, унда одам гавжум жойлардан сақланинг, никоб кийинг, ўзингизни хавфсиз ҳолатга келтиринг. Ўзингиз ва оила аъзоларингиз ўртасида масофани сақланг, хонани яхши шамоллатинг, шахсий гигиенангизга жиддий эътибор беринг ва имкон кадар тезроқ COVID-19 вируси билан ишлаш учун мўлжалланган касалхонага боринг. Шифокор ҳузурига ташриф буюрганингизда, кимлар билан мулоқот қилганингизни айтинг ва сизнинг ишингизни ўрганиш учун тўлиқ ҳамкорлик қилинг.



### **III. Самарали профилактика ва даволаш**



#### **COVID-19 учун дори борми?**


Мавжуд маълумотларга ва бугунги кунгача тўпланган тажрибага асосланиб, инфекциянинг ижобий прогнозга эга ва даволаниши мумкин деб айтиш мумкин. Бироқ, кам сонли холларда, вазият оғирлашиши мумкин. Прогнозлар кекса ёшдаги ва сурункали ҳамроҳ бўлган қасалликлари бўлган одамларни умидсизликка солмоқда. Болаларда, қоида тариқасида, нисбатан енгил аломатлар кузатилади.



## Ниқобни түгри тақиңг

◦ Тавсия этилади ✓ Ихтиёрий

Одамлар ва шаронлар		Никобсиз ёки оддий никоб		Бир марталик тиббий никоб (YY/T0969)		Жаррохлиқ никоби (YY0469)		Фильтрли респиратор (GB2626)		Химоя килувчи тиббий никоб (GB19083)		Никоб-фильтрли респиратор P100
Юкори хавф	Юкумли касалликлар шифохоналари							✓		◦		✓
	Юкумли бўлимлардаги тиббий ходимлар							✓		◦		✓
	Юкори хавф билан боғлик бўлган интубация, трахетомия ва бошқа операцияларни бажарадиган шахслар									◦		◦
	Хизмат кўрсатувчи ходимлар (касалхонага буюргма бериш, ўзикхонага буюргма бериш ва бошқалар).							◦		✓		
	Эпидемиологлар, тасдиқланган ва шубҳали холатларни текширувчилар							✓		◦		
Нисбатан юкори хавф	Реанимация бўлими ходимлари							◦				
	Эпидемиологлар, якин алоқада бўлгандарни ўрганувчилар							◦				
	Намуналарни таҳлил қиласидиган лаборантлар							◦				

	Одамлар ва шароитлар	 Никобсиз ёки оддий никоб	 Бир марталик тиббий никоб (YY/T0969)	 Жаррохлик никоби (YY0469)	 Фильтри респиратор (GB2626)	 Ҳимоя килувчи тиббий никоб (GB 19083)	 Никоб-фильтри респиратор P100
Нисбатан хавф	Тиббий ходимлар ва поликлиникадар ва бўлнимларнинг бошқа ходимлари		✓	○			
	Жамоат жойларида ишлайдиган одамлар		✓	○			
	Маъмурий ходимлар, полиция, кўриклиш хизмати ходимлари, ифюслантган жойларга етказиб бериш хизмати		✓	○			
	Уйдан изоляция килинган шахслар ва уларнинг ҳамкаслари		✓	○			
Нисбатан паст хавф	Гавжум жойлардаги оддий одамлар		○				
	Ёпик биноларда кўпчилик бўлиб ишлайдиган одамлар		○				
	Касалхонага борадиган оддий одамлар		○				
	Богча болалари ва мактаб ўкувчилари		○				
Кам хавф	Уйда қолган одамлар	○					
	Ташқариидаги одамлар	○					
	Яхши шамоллатиладиган хоналарда ишловчилар ва ўкувчилар	○					



## Жарроҳлик никобини қандай тақиши керак ?

1. Никобни юзингизга қўйинг, шунда коронғу томони ташқарида ва алъюминий биримаси тепада.
2. Никобни бурун, оғиз ва иягингизни қамраб оладиган тарзда тортинг.
3. Бурун устига маҳкам ўрнашиб олиши учун алъюминий биримани бармоқларингиз билан босинг.
4. Никобни юзга тўлиқ тушиши учун маҳкамланг.

Иложи бўлса, никобни намланиб қолган ҳолатларда ҳар 2-4 соатда ўзгартириш тавсия этилади.





## Құлларни қандай түғри ювиш керак?

Күлингизни оқаёттан сув билан намлантириң, суюқ ёки қаттиқ совунни қўпик ҳосил бўлгунча қўлланг ва қўлларингизни камидা 15 сония давомида ишқаланг. Хусусан:

1. Кафтларингизни бир-бирига ишқаланг.
2. Ўнг кўлингизнинг кафтига бармоқларингизни ёпиб, чап қўлингизнинг орқа қисмини артинг. Қўлларни алмаштириңг.
3. Кафтларингизни бир-бирига босиб, бармоқларингизни ёпинг, қўлларингизни ва бармоқларингизни ишқаланг.
4. Ўнг қўлингизнинг кафтини чап қўлингизнинг орқа томонига қўйинг, бармоқларингизни ёпинг ва қўлларингизни силанг, сўнг ўнг ва чап қўлингизни ўзгартириңг.
5. Чап қўлнинг бош бармоғини ўнг кафтга қўйинг ва ўнг қўлни думалоқ ҳаракатлар билан ишқаланг, сўнг қўлларни ўзгартириңг.
6. Бармоқларнинг думалоқ ҳаракатларида чап кафтни ишқаланг, қўлларни ўзгартириңг.
7. Ўнг билагингизни силанг ва чап қўлингизнинг бармоқлари билан ушланг, сўнг қўлингизни ўзгартириңг.

Кўлингизни оқаёттан сув билан яхшилаб ювинг.



Кўлингизни оқаёттан сув  
билан намланг



Совун кўпиргунгача суюқ ёки қаттиқ совунни  
қўлланг

# 3

Күлларингизни бир-бирига камида **15** секунд ишқаланг. Хусусан:



1. Күлларингизни бир-бирига ишқаланг.



2. Ўнг кўлингизнинг кафтига бармокларингизни ёпиб, чап кўлингизнинг орка кисмини артинг. Кўлларни алмаштиринг.



3. Бармогингизни букинг, панжаларингизни орасига киритиб, яхшилаб ишқаланг



4. Ўнг кўлингизнинг кафтини чап кўлингизнинг орка томонига кўйинг, бармокларингизни ёпинг ва кўлларингизни силанг, сўнг ўнг ва чап кўлингизни ўзгартиринг.



5. Чап кўлнинг бош бармогини ўнг кафтга кўйинг ва ўнг кўлни думалок ҳаракатларда ишқаланг, сўнг кўлларни ўзгартиринг.



6. Бармокларингизнинг думалок ҳаракатида чап кафtingизни силанг, кўлларингизни ўзгартиринг.




7. Чап кўлингизнинг бармоқлари билан ушлаб, билагингизни ишқаланг, сўнг кўлингизни ўзгартиринг.



8. Кўлингизни оқаёттан сув билан яхшилаб ювинг.

# 4



## Ўзингизни қандай самарали ҳимоя қилишингиз мумкин?

1. Ижтимоий фаолликни минималлаштиринг.

  - (1) Инфекцион жойлардан қочинг.
  - (2) Саёҳат ва учрашувларни қисқартиринг ва иложи бўлса уйда қолинг.
  - (3) Жамоат жойлари, айникса шамоллатадиган буюмлардан сақланинг, масалан, жамоат ҳамомлари, термал булоқлар, кинотеатрлар, интернет-кафе, караоке-клублар, савдо марказлари, транспорт станциялари, аэропортлар, машиналар, кўргазма заллари ва бошқалар.

## 2. Шахсий химоя ва қўлларнинг гигиенаси

(1) Уйдан чиқаётганда никоб тақинг: жамоат жойларига, оддий клиникаларга ёки жамоат транспортида саёҳат қилиш учун бир мартали ишлатиладиган тиббий никоб, юқумли касалликлар шифохонасига бориш учун жарроҳлик ниқоби.

(2) Кўлингизни тоза тутинг: жамоат жойларида иложи борича нарсаларга тегмасликка ҳаракат қилинг. Жамоат жойларида бўлганингизда кўлингизни суюқ ёки қаттиқ совун билан ювинг ёки агар сиз аксириш ёки йўталаётганда юзингизни кўлингиз билан ёпган бўлсангиз, овқатдан олдин ёки ундан кейин антибактериал гелдан фойдаланинг. Агар бунинг иложи бўлмаса, кўлқоп кийинг (кўлларингизни ёпадиган кўлқоплар) ва уларни хўлламанг. Кўлқопларни ечгандан кейин кўлингизни яхшилаб ювинг. Ювилмаган қўлларингиз билан бурун, оғиз ва кўзларга тегмасликка ҳаракат қилинг. Йўталганда ёки йўталаётганда оғзингиз ва бурнингизни тирсагингиз билан ёпинг.

3. Ўз соғлиғингизни кузатиб боринг ва агар лозим бўлса, тиббий ёрдамга мурожаат қилинг.

(1) Ўзингизнинг ва оила аъзоларингизнинг соғлиғини кузатиб боринг. Агар сиз ўзингизда иситма хис қилсангиз, ҳароратни ўлчанг. Агар оиласда болалар бўлса, уларнинг ҳароратини ҳар куни эрталаб ва кечқурун ўлчаб туринг.

(2) Шубҳали аломатлар бўлса, никоб кийинг ва тиббий ёрдам учун энг яқин клиникангиз билан боғланинг. COVID-19нинг мумкин бўлган аломатлари орасида иситма, кўнгил айниш, йўтал, томоқ оғриғи, кўқрак қафасининг сиқилиши, кўнгил айниши ва қайт қилиш, диарея, конъюнктивит, мушак оғриғи ва бошқалар.



Метро, автобуслар ва бошқа жамоат транспортидан, шунингдек, касалхонага борадиган йўлда гавжум жойлардан сақланинг. Агар сиз шифокорга мурожаат қилган бўлсангиз, унга яқинда инфекцион зонада бўлғанлигингиз, шунингдек, аломатлар бошланганидан бери кимлар билан мулоқотда бўлганингизни айтинг. Сизнинг ишингизда зарурий тадқиқ этишга хисса қўшинг.

4. Шахсий саломатлик ва гигиена қоидаларига риоя қилиши.

(1) Уйингизни тез-тез шамоллатинг.  
(2) Оиланинг ҳар бир аъзосини алоҳида сочиқ билан таъминланг, яшаш мухити ва уй анжомларини тоза тутинг ва иложи борича кийимларни алоҳида ювинг.

(3) тупук, бурун оқиши, аксириш ёки йўтал холатида қоғоз сочиқдан фойдаланинг ва уни ёпиқ ахлат қутисига ташланг.

(4) Яхши овқатланинг ва ўртача меъёрда спорт билан шуғулланинг.

(5) Ёввойи ҳайвонлар билан алоқа қилманг, уларни сотиб олманг, гўштини еманг ва тирик ҳайвонларни (товуқлар, сув ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар ва бошқалар) харид қилиш учун бозорларга борманг.

(6) Уйда термометрлар, бир марталик ниқоблар ва маиший дезинфекциялаш воситаларининг доимий мавжуд бўлишини таъминланг.





## Оила аъзоларидан бирида шубҳали вирус симптомлари кўзатилса нима қилиш керак?

1. COVID-19 вирусининг шубҳали аломатлари бўлса (иситма, қуруқ йўтал, ноқулайлик, бурун битиши, буруннинг оқиши, томок оғрифи, мушаклардаги оғриқлар ва диарея) бўлса, иложи борича тезроқ тегишли тиббий муассасага мурожаат қилинг. Агар кўрсатмалар тиббий изоляция бўйича берилса, унга амал қилинг.
2. Метро ёки автобус каби жамоат транспортида, гавжум жойларда саёҳат қилишдан сақланинг.
3. Шифокорга инфекциянгиз борлигини, шунингдек, аломатлар бошланганидан бери кимлар билан алоқада бўлганингизни айтиб беринг ва ўзингизнинг ишингизни текширишни осонлаштиринг.
4. Тиббий назорат учун уйда изоляция қилинган тақдирда, барча оила аъзолари бир мартали ишлатиладиган тиббий ёки жарроҳлик никобларини кийишлари керак. Касаллик белгилари бўлган одамлар оила аъзолари билан алоқа қилишдан эҳтиёт бўлишлари керак ва улар битта хонада камида бир метр масофада жойлашган бўлиши керак.
5. Агар оиласда COVID-19 касаллиги аниқланган бўлса, яқин алоқада эканлиги аниқланган барча оила аъзолари тиббий назорат учун 14 кун давомида карантинда туришлари керак.
6. Агар оила аъзоларидан бириning COVID-19 вирусини юқтирганлиги тасдиқланган бўлса, унинг яшаш шароити, уй-рўзгор буюмлари, кийим-кечак, чойшаблар, ошхона анжомлари ва бошқалар дезинфекция қилиниши керак.



## Яқин алоқада бўлганда, уйда тиббий назоратни кучайтириш

COVID-19 тасдиқланган шахслар билан алоқада бўлган шахслар касаллик аниқланган, вирус белгисиз ўтаётган шахс ёки ҳолат билан охирги алоқасидан бошлаб 14 кун давомида тиббий кузатувда қолиши керак.

Кузатув пайтида соғлиқни сақлаш ходимлари билан алоқада бўлиш, уларни қўл ювиш, хоналарни шамоллатиш, ҳимоя қилиш ва дезинфекция каби назорат, ўз-ўзини сақлаш ва профилактик чора-тадбирларнинг асосий нуқталари ҳақида хабардор қилиш талаб қилинади. Аниқ тавсиялар қуйида келтирилган:

1. Касаллик юқтирган шахслар билан яқин алоқада бўлган шахслар алоҳида яхши шамоллатиладиган хонада туришлари ва мемонларни қабул қилмасликлари керак.

2. Фаолликни камайтириши ва бошқа оила аъзолари билан бирга борадиган жойларни камайтириши керак. Барча умумий худудлар (ошхона, хожатхона ва бошқалар)нинг ҳавоси яхши айланиб туриши керак (масалан, деразаларни очиш ҳисобига).

3. Бошқа оила аъзолари билан бир хонада қолмаслик керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, камида бир метр масофани сақлаши керак. Эмизишни давом эттириши мумкин.

4. Оила аъзоларига яқин алоқада бўлиш мумкин бўлган яшаш жойига киришда юзни бемалол беркитадиган жарроҳлик ниқобларини кийиш тавсия этилади. Бу жойдан чиқиб кетгунга қадар юзингиздаги ниқобга тегманг ва уни қимирлатманг. Агар ниқоб нам ёки ифлос бўлиб қолса, уни дарҳол ўзгартириш керак.

Ниқобни ечиб, ташлаб юборгандан кейин қўлларингизни яхшилаб ювинг.

5. Яқин алоқада деб топилган шахс билан бевосита мулоқотда бўлгандан ёки у билан бир хонада бўлгандан кейин қўлингизни яхшилаб ювинг. Овқат тайёрлашдан олдин ва

овқатлангандан олдин ва кейин қўлингизни ювинг. Қўлингизнинг кирлангани кўринадиган бўлса, қўлингизни суюқ ёки қаттиқ совун билан оқар сувда ювинг, бошқа холларда спиртли антибактериал гелдан фойдаланишингиз мумкин (эслатма: тасодифан ютиб юбориш ёки ёнгинга йўл қўймаслик учун спиртли гелни ишлатища эҳтиёт бўлинг)

6. Оқар сувда совун билан қўлингизни ювгандан сўнг, қўлларни қуритиш учун мўлжалланган бир марталик қофоз сочиқдан фойдаланинг. Агар қофоз сочиқ бўлмаса, оддий тоза сочиқдан фойдаланинг, нам бўлганда алмаштиринг.

7. Йўтал ёки аксирганда бурун ва оғизни тўсиш учун ишлатиладиган буюмлар дархол ташлаб юборилиши ёки яхшилаб тозаланиши керак (масалан, совун, тозалаш воситаси ва сув билан).


8. Оила аъзолари билан яқин алоқада бўлган, касаллиги аниқланган шахсларнинг буюмларидан фойдаланиш мумкин

эмас. Масалан, уларнинг тиш чўткасидан фойдаланиш, сигаретини чекиши, буюмлари, овқати, ичимлиги, сочиғи, тўшак анжомларини ишлатиш мумкин эмас. Ошхона буюмларини ишлаттандан сўнг стерилизация килиш керак.



9. Энг кўп тегиладиган жойларни хлорли ва уксусли эритма билан дезинфекция қилиб, тозалаб туриш керак. Масалан, тумбалар, кроват ёнлари ва ётоқхонадаги бошқа мебеллар. Ювиниш хоналари ва ҳожатхоналарни бир кунда бир марта дезинфекция қилиб, тозаланг.

10. Яқин алоқада бўлган шахсларнинг кийимлари, чойшаблари, сочиклари ва бошқа буюмлари кир ювиш машинасида оддий кир ювиш кукуни билан 60-90 даражага иссик ҳароратда ювиб, кейин яхшилаб қуритилиши керак. Яқин алоқадагиларнинг чойшабларини алоҳида ифлосланган буюмлар учун мўлжалланган қопларга жойлаштириш керак, уларни силкитмаслик, тери ёки бошқа кийимларга тегиб кетишини олдини олиш керак.



11. Яқин алоқада бўлган шахсларнинг ажратмалари билан ифлосланган кийим ва чойшаблар, тегилган жойларни тозалаш олдидан ниқоб, бир марталик қўлқоп ва ҳимоя кийими (масалан, полиэтилен фартук) кийиб олинг. Қўлқонни кийишдан олдин ва ечгандан кейин қўлингизни ювиб, дезинфекция қилинг.

12. Яқин алокада бўлган шахсада иситма, қалтираш, қуруқ йўтал, балғам, бурун битиши, тумов, томоқ оғриғи, бош оғриғи, дармонсизлик, мушак оғриғи, нафас олишдаги қийинчиликлар, бўғилиш, кўқрак қисиши, конъюнктивал гиперемия, кўнгил айниши, қусиши, диарея, қорин оғриғи каби шубҳали аломатлар бўлса, у ҳолда дарҳол соғлиқни сақлаш органларига хабар бериш, ташхис, даволаш, скрининг ва ҳоказо учун тегишли тиббий муассасага жўнатилиши керак.



## Кексалар ва ёшлар учун химоя чоралари

Одамлар янги коронавирус инфекциясига мойил бўлиб, COVID-19 кексаларда ҳам болалар ва ёшларда ҳам кузатилиши мумкин. Кексалар ва болаларга химоя чораларини кўриш, жумладан, қўлларини тез-тез ювиш, никоб кийиш, мөъёрида овқатланиб, мөъёрида машқ қилиш, яшаш жойларини тоза саклаш ва уйларининг ҳавосини янгилаб туриш тавсия этилади.



## COVID-19 вирусини юқтирган беморлар бўлган уйларда дезинфекция чоралари

Бемор яшаш жойини тарк этгандан сўнг (касалхонага ётқизиш, ўлим ёки изоляция даврининг тугаши сабабли), уйда якуний дезинфекция ўтказилиши керак, жумладан, полни, деворларни, стол, стул устиларини ва бошқа мебелларни, эшик тутқичларини, bemorning кийим-кечак, чойшаб ва бошқа уй буюмларини, ўйинчоқлар, ҳаммом ва бошқаларни яхшилаб дезинфекция қилиш керак.

Якуний дезинфекция одатда тегишли мутахассислар томонидан амалга оширилади. Бунинг учун касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш маҳаллий марказига мурожаат қилиш керак. Вирус инфекцияси тасдиқланган ҳолатда бўлган bemorning оила аъзолари одатда яқин алоқалар бўлганлар сифатида белгиланади ва 14 кунлик тиббий назорат остида бўлиши керак.



## Иммунитетни мустаҳкамлаш ва соғлиқни сақлаш бўйича бошқа қандай чоралар кўриш керак?

1. Йўталиш ва аксириш ҳолатларида оғиз ва бурунни қоғоз салфетка билан бекитинг.
2. Бошқа одамлар билан масофани бир метрдан кам бўлмаган ҳолда сақланг.
3. Имкон даражасида одамлар билан гавжум жойлардан узокроқда бўлинг ва хонангизда ҳавонинг яхши айланишини таъминланг.
4. Иммунитетни мустаҳкамлаш учун спорт билан шугулланинг.
5. Иммунитетни сақлаш учун дам олиш режимига риоя қилинг, меъёридан ортиқ ишламанг.





## **IV. Тинчланинг ва вахима қилманг**



### **COVID-19 ҳолатида антибиотик таъсир қиладими?**

Антибиотиклар бактериал инфекцияларни даволашда қўлланилади.

COVID-19 нинг патогени сифатида вирус хизмат қиласди, антибиотиклар эса профилактикасида ҳам, даволашда ҳам самара бермайди.

Бундан ташкири антибиотиклар дориларни қабул қилишга салбий таъсир қилиб, ичак флорасини ишдан чиқариши мумкин.




## Ишлатилган никобларни қандай йўқ қилиш керак?

Инфекцияга чалинмаган шахслар таққан никоблар коронавирус тарқалиш хавфини чакирмайди ва умумий талабларга мос равишда майший чиқинди каби йўқ қилинади.

Коронавирусни юқтирганликда гумон қилинаётган шахсларнинг ва уларни даволаётган тиббиёт ходимларининг никоблари тиббиёт чиқиндилари сифатида утилизация қилинади.

Бундай никобларни утилизация қилгандан кейин албатта қўл ювиш керак.



Наманган вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар бошкармаси томонидан 2020 йил 11 апрель куни босишга рухсат этилди.

Бичими 60x84 1/16, ҳажми 2 босма табоқ.

Адади: 1500 дона. 4568-сонли буюртма.

"Заковат" нашриёт уйи МЧЖ босмахонасида оғсет усулида босилди.

Манзил: 160300, Косонсой шахри, Чорбог күчаси, 17-үй.